ISSN 2181-3612 (Online)

# MSU

## Medical science of Uzbekistan

2022. № 2

## Медицинская наука Узбекистана




www.fdoctors.uz

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

# «Медицинская наука Узбекистана»

**Выпуск № 2. (октябрь, 2022)**

**Официальное название периодического издания: «Медицинская наука Узбекистана», журнал прошел регистрацию в Агентстве информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан. №1631. 24.05.2022 год.**

**Международный индекс: ISSN 2181-3612 (Online)**

**Учредители журнала:** Андижанский государственный медицинский институт и ООО «I-EDU GROUP».

**Цель издания журнала:** ознакомление работников всех звеньев здравоохранения с инновационными подходами по совершенствованию диагностики, лечения и профилактики различных заболеваний у болезни, повышение квалификации и усовершенствование врачебных и научных медицинских кадров.

**Online версия журнала доступна на сайте: www.fdoctors.uz**
**Телефон редакции: +998 (94) 018-02-55**
**Почтовый адрес: 170100, г. Андижан, ул. Ю. Отабекова, дом 1.**
**Web-sayt: www.fdoctors.uz**
**E-mail: fdoctors2022@gmail.com**

## Подключенные системы

**GoogleScholar**
**DOI Crossref**
**inLibrary**
**SLIB.UZ**
**CYBERLENINKA**
**Orcid**
**Publons**
**Scienceweb**
**archive.org**
**ResearchBib (OAK 14-baza)**
**Directory of Research Journals Indexing (OAK 15-baza)**
**Journal Impact Factor (OAK 2-baza)**
**International Society for Research Activity (OAK 22-baza)**
**Bielefeld Academic Search Engine (OAK 13-baza)**
**EuroPub Database**

**© Андижанский государственный медицинский институт и ООО «I-EDU GROUP», 2022**

# СОСТАВ РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ И РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА

Главный редактор – Арзикулов Абдураим Шамшиевич, профессор, доктор медицинских наук, Андижанский государственный медицинский институт, (Андижан, Узбекистан). ORCID/GoogleScholar
Ответсвенный секретарь – Тошбоев Шерзод Олимович, кандидат медицинских наук, Андижанский государственный медицинский институт, (Андижан, Узбекистан). ORCID/GoogleScholar

## РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

1. Мадазимов Мадамин Муминович, профессор, доктор медицинских наук, Андижанский государственный медицинский институт, (Андижан, Узбекистан). ORCID/GoogleScholar
2. Салахитдинов Зухритдин, профессор, доктор медицинских наук, Андижанский государственный медицинский институт, (Андижан, Узбекистан).
3. Аграновский Марк Лейзерович, профессор, доктор медицинских наук, Андижанский государственный медицинский институт, (Андижан, Узбекистан).
4. Салахитдинов Камалитдин Зухриддинович, доцент, доктор медицинских наук, Андижанский государственный медицинский институт, (Андижан, Узбекистан).
5. Худайбердиев Кабил Турсунович, профессор, доктор медицинских наук, Андижанский государственный медицинский институт, (Андижан, Узбекистан).
6. Расул-заде Юлдуз Гулямовна, профессор, доктор медицинских наук, Ташкентский педиатрический медицинский институт, (Ташкент, Узбекистан).
7. Абдуллажонов Бахромжон Рустамович, доктор медицинских наук, Андижанский государственный медицинский институт, (Андижан, Узбекистан).
8. Рахмонова Лола Каримовна, доцент, доктор медицинских наук, Ташкентская медицинская академия, (Ташкент, Узбекистан).
9. Маматхужаева Гулнарахан Нажмидиновна, доцент, кандидат медицинских наук, Андижанский государственный медицинский институт, (Андижан, Узбекистан)

## РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

1. Каххаров Зафаржон Абдурахманович, доцент, кандидат медицинских наук, Андижанский государственный медицинский институт, (Андижан, Узбекистан).
2. Олейник Владимир Алексеевич, профессор, доктор медицинских наук, Андижанский государственный медицинский институт, (Андижан, Узбекистан).
3. Туланов Дилшод Шомирзаевич, доцент, кандидат медицинских наук, Андижанский государственный медицинский институт, (Андижан, Узбекистан).
4. Мирзакаримова Дилдора Баходировна, кандидат медицинских наук, Андижанский государственный медицинский институт, (Андижан, Узбекистан).
5. Абдуллаева Мавжуда Эргашевна, доцент, кандидат медицинских наук, Андижанский государственный медицинский институт, (Андижан, Узбекистан).
6. Салиева Манзура Хабибовна, доцент, кандидат медицинских наук, Андижанский государственный медицинский институт, (Андижан, Узбекистан).

Medical science of Uzbekistan
published: 18 October 2022
doi.org/10.56121/2181-3612-2022-2-27-28
**Received:** 10 October 2022
**Accepted:** 15 October 2022
**Published:** 18 October 2022



*Article*

# ФИДОЙИ ИНСОН ЭДИ...

**Каримжонов И.А.[1], Рахмонова Л.К.[2]**

***Тошкент тиббиёт академияси, 2-сон Болалар касалликлари кафедраси ходимлари.***

*1. Тошкент тиббиёт академияси, профессори, Тошкент, Ўзбекистон.*

*2. Тошкент тиббиёт академияси, тиббиёт фанлари доктори, Тошкент, Ўзбекистон.*

Дунёда касблар кўп, сохалар бисёр. Лекин шундай касблар ҳам борки, уларнинг номини эшитишинг билан дилинг яйраб кетади, ўз-ўзидан унга бўлган чексиз меҳринг ортаверади. Дарвоқе, инсон бу ҳаётда ўзидан яхши ном қолдиришга харакат қилади. Биз қуйида сизга таништирмоқчи бўлган инсон ўз ҳаетини тиббиётга бағишлаган, қалб-кўрини шу соҳа ривожига сарфлаган устоз Маннаф Атаматович Мирзамухамедовдир.

Маннаф Атаматович 1920 йилнинг 20 сентябрида Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1937-1943 йилларда Тошкент Давлат тиббиёт институтини муваффақиятли тамомлаб педиатрия йўналиши бўйича аспирантурага қабул қилинади ва болалар касалликлари кафедрасида иш бошлайди.

М.Мирзамухамедов 1943-1947 йилларда клиникада илмий изланишлар олиб борган ва болаларда учрайдиган рахит ва камқонлик сабабларини ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди ва илмий иши мавзуси ҳам болаларда қамқонлик касаллигининг сабабларини аниқлашдан иборат бўлди. 1947 йил ёш, иқтидорли педагог М.Мирзамухамедовга Тошкент Давлат тиббиет институти болалар клиникаси бош врачи лавозими ишониб топширилди. М.Мирзамухамедов 1948 йилда номзодлик диссертациясини ёқлади ва 1951 йилгача бош врач лавозимида сидқидилдан меҳнат қилди.

Шу даврда М.Мирзамухамедов Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш ҳайъати аъзоси сифатида фаол иш олиб борди. 1955 йилда эса Самарканд медицина институтига ректор этиб тайинланди. Ректорлик лавозимидаги олти йиллик фаолияти давомида олим институтни мамлакатнинг энг яхши таълим даргоҳларидан бирига айлантиришга эришди. У 1960 йилда Тошкент Врачлар малакасини ошириш институтига раҳбар этиб тайинланди. М.Мирзамухамедов раҳбарлигида институтда жарроҳлик, урология, кўз касалликлари, неврология, ва бошқа кафедра ва лабораториялар ташкил қилинди. Ўша институтда болалар касалликлари кафедраси доценти лавозимида ишлаб, 1965 йилда янги ташкил қилинган “Оналар ва болаларни муҳофаза қилиш” илмий текшириш институтини бошқарди ва шу давр мобайнида чақалоқлик даври патологияси, болаларда ўткир ва сурункали меъда-ичак касалликлари, уларнинг этиологик структураси, касаллик клиник кечишининг ўзига хослиги, биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичлар ўзгаришлари масалаларини ўрганди.

Олимнинг юксак ташкилотчилик қобилияти ва ғайрат –шижоати туфайли 300 ўринга мўлжалланган бино қурилиб, унда чақалоқлик даври патологияси, гастроэнтерология, пулмонология, илк гўдаклик патологияси, аллергология бўлимлари ва тўла-тўкис жиҳозланган биокимёвий, иммунологик лабораториялар ташкил қилинди. Ўзбекистон педиатрия илмий текшириш институти ўз изланишлари туфайли ўзбек тиббиёт илмини бутун жаҳон симпозиумлари ва йиғилишларида муносиб кўрсата оладиган йирик илмий педагогик марказга айланди.

Институт раҳбари М.Мирзамухамедов ўзининг самарали фаолиятини илмий изланишлар билан бирга олиб борди ва 1975 йилда гўдакларда дизентерия касаллигининг кечиш ҳусусиятлари мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади. 1972-1997 йилларда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг болалар касалликлари кафедрасини бошқарди.

Олим 150 дан ортиқ алоҳида эътиборга

лойиқ монографиялар, 35 мақола, 5 услубий қўлланма нашр қилинган ва тиббий амалиётда қўлланиладиган 16 услубий тавсияномалар чиқарган. Улар бугунги кунда тиббиёт мутахассисларининг асосий қўлланмаларидан бири бўлиб ҳизмат қилиб келмоқда.

М.Мирзамухамедов неонатология соҳасида ҳам кўзга кўринган олимлардан бири бўлиб, унинг бошчилигида 1997 йилда 2-Тошкент давлат тиббиет институтида АҚШнинг Иллинойс университети Чикаго тиббиёт маркази билан хамкорликда неонатология маркази ташкил қилинган.

Олим ижодий фаолияти давомида бевосита ўзининг илмий раҳбарлиги остида 6 нафар фан доктори ва 30 нафар фан номзодини тайёрлади. Унинг бой илмий фаолияти Варшава (1986) ва Торонто (1989)даги Ҳалқаро симпозиумда, Харков, Новосибирск, Калуга (1989-1990) шаҳарларидаги ҳалқаро конференцияларда ҳалқаро тиббиёт мутахассисларида катта қизиқиш уйғотган эди.

Маннаф Атаматович Мирзамухамедовнинг жамоат ишларидаги фаолияти бениҳоя кенг қамровли бўлиб, у ҳаётининг охирги кунларигача Республика болалар шифокорлари жамиятининг раис ўринбосари, болаларга тиббий-профилактик ёрдам кўрсатиш бўйича кенгаш раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги IV Бошқармаси педиатрия бўйича бош маслахатчиси, болалар ўлимини камайтириш хайъати раиси, педиатрия бўйича муаммолар кенгаши раисининг ўринбосари сифатида фаолият олиб борган эди. Бу инсон чин маънода ўз касбининг фидойиси эди. Шунинг учун ҳам заҳматкаш олимнинг меҳнатлари муносиб тақдирланди. У 1957 йилда «Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган врач", 1980 йилда «Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган фан арбоби" фахрий унвонлари, 1994 ва 1998 йилларда I-даражали "Соғлом авлод учун" ордени ва "Шухрат" медалига муносиб кўрилди.

Устозимиз республиканинг турли вилоятларига мунтазам хизмат сафарларига чиққанида ўз ҳамкасбларига доимо беғараз илмий ва амалий ёрдамларини аямас эдилар. Етук олим, моҳир педагог ва жамоат арбоби, бағрикенг устозимиз Маннаф Атаматович Мирзамухамедовнинг ёрқин хотираси биз шогирдлар қалбида мангу яшайди.

Ха, инсон муқаддас, унинг ёди ҳамиша барҳаёт. Шубҳа йўққи, Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган фан арбоби, машҳур педиатр, тиббиёт фанлари доктори, профессор Маннаф Мирзамухамедов қолдирган бой илмий мероси ва тажрибалари ҳали узоқ йиллар ҳалқимиз саломатлигини сақлаш йўлида тиббиётимиз ходимларига дастурул-амал бўлиб хизмат қилаверади.

***Учредители журнала:***
*Андижанский государственный медицинский институт и ООО «I-EDU GROUP»*

***Медицинская наука Узбекистана***
*электронный журнал*
***Выпуск №2***

# СОДЕРЖАНИЕ


| № | Название статья | Страница |
|---|---|---|
| 1 | СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ПЕРИНАТАЛЬНЫХ ИСХОДОВ ПРИ МЕКОНИАЛЬНО ОКРАШЕННЫХ ОКОЛОПЛОДНЫХ ВОДАХ. **Расуль-Заде Ю.Г., Джуманязов С.С.** | **04-06** |
| 2 | ГИПЕРГОНАДОТРОПНЫЙ ГИПОГОНАДИЗМ У ЖЕНЩИН В РЕПРО-ДУКТИВНОМ ПЕРИОДЕ. **Гафурова Д.К.** | **07-10** |
| 3 | ПРОГНОСТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ РЕМИССИИ НА РАННИХ СТАДИЯХ ЭНДОГЕННЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ В ПРИМЕРЕ ШИЗОФРЕНИИ. **Маматхонов М.М.** | **11-14** |
| 4 | ОЦЕНКА ЭФФЕТИВНОСТИ ЭНТЕРАЛЬНОГО ПИТАНИЯ ПРИ РАЗ-НЫХ ЗАБОЛЕВАНИЯХ У ПОСЛЕОПЕРАЦИОННЫХ БОЛЬНЫХ. **Исмаилов У.С., Курбонов А.Р.** | **15-20** |
| 5 | BUXORO VILOYATIDA RESPIRATOR ALLERGIK KASALLIKLARNING EPIDEMIOLOGIYASI. **Babadjanova Z.X.** | **21-23** |
| 6 | СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ХИРУРГИЧЕСКИХ МЕТОДОВ ЛЕЧЕНИЯ МЕТАСТАТИЧЕСКИХ ОПУХОЛЕЙ ПОЗВОНОЧНИКА. **Фазилов Ш.К.** | **24-26** |
| 7 | ФИДОЙИ ИНСОН ЭДИ... **Каримжонов И.А., Рахмонова Л.К.** | **27-28** |

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

# «Медицинская наука Узбекистана»

**Выпуск № 2. (октябрь, 2022)**
**http://www.fdoctors.uz**

## Подключенные системы

Google Scholar
doi
Crossref
ORCID
SCIENCEWEB NATIONAL BASE OF SCIENTIFIC RESEARCH OF UZBEKISTAN
publons
НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ БИБЛИОТЕКА eLIBRARY.RU
CYBERLENINKA
SLIB.UZ Scientific library of Uzbekistan
inLibrary
DRJI Directory of Research Journals Indexing
ROAD DIRECTORY OF OPEN ACCESS SCHOLARLY RESOURCES
INTERNET ARCHIVE
BASE Bielefeld Academic Search Engine
JIF ISRA
EuroPub

© Андижанский государственный медицинский институт и ООО «I-EDU GROUP», 2022